

Тасаввуфнинг тарикат сифатида шаклланиб, муассаса холига келиши билан бирга аста-секин тарикатларга хос баъзи моддий унсурлар юзага келди. Тарикат ахли йигиладиган хонакоҳ ва зовиялар, уларнинг махсус киёфалари, зикр ва самоъ пайтида ишлатиладиган мусика чолгулари шулар жумласидандир. Работ, зовия, хонакоҳ, даргоҳ каби номлар билан аталган жойлар тарикат аъзолари фаолият кўрсатадиган маскан бўлган. Баъзан бу жойлар ўша тарикатнинг номи билан бирга тилга олинади: мавлавийхона, каландархона ва хоказо. Бир тарикатнинг барча масканлари ўша тарикат шайхи жойлашган хонакоҳга карашли бўлади. Бу жой “пир уйи” ҳам дейилади. Кичикроги зовия деб аталган. Хонакоҳ ва зовиялар жамиятда тез таркалиб, нафакат тарикат ахлига, балки оддий халкка ҳам таълим-тарбия, маданият ва иршод хизматини кўрсатадиган хар томонлама фаол бир муассасага айланди. Мадрасалар жамиятнинг олий маком—ўзига тўк тоифасига хизмат килса, хонакоҳлар кенг халк оммасининг таълим-тарбия ва иршод ўчоги сифатида фаолият олиб борган[1].

Жомеъ ва мадрасалардан фаркли ўларок, хонакоҳлар содда тарзда курилган бўлиб, бир ёки икки каватли бўлган. Агар хонакоҳга назар ташласак, у куйидаги бўлимлар: самоъхона, макбара, чиллахона, хужралар, дарвишхоналар, саломлашув хонаси, харам, омбор ва ошхона, кахвахона ўчоги, кафас (муборак кечаларда келган аёллар ўтирадиган жой) , матраб (самоъ вақтида наът ва илохий кўшик айтадиган куйловчилар ўтирадиган жой)дан иборат бўлган. Саломлашув хонаси шайхнинг жойи, харам эса уйи бўлган.

Айюбийлар ва мамлуклар хадис ва фикх илмидан таълим берадиган мадрасалар куриш билан машхур бўлганлар ва урушда зарур бўладиган диний хамоса (машхур шеърлар тўплами) ёдлатувчи мадрасалар ҳам курдирганлар. Бу даврдаги хонакоҳларнинг вазифаларидан бири гариб мусулмон кишиларга саховат кўрсатиш ва уларнинг огирини енгил килиш эди. Намозни улар “Байт ал-жамо‘а” деб аталувчи умумий залда ўқир эдилар[2]. Мисрдаги мутасаввифлар хар жума куни хонакоҳ ичида намоз ўқимай, шаҳардаги масжидлардан бирига борардилар. Улар кетаётганларида барча одамлар уларни кўргани чиқишарди ҳамда хонакоҳ шайхларининг дуоси ижобат бўлади, деган умидда дуо килишларини сўрашарди.

Ўрта аср тарихчиси Макризийнинг таъкидлашича, тасаввуф Мисрда XII асрдан бошлаб ривожланган, Салоҳиддин Айюбий биринчи хонакоҳни курдирган[3]. Шундан сўнг хонакоҳ, работ ва зовиялар кўплаб курила бошлади. Айникса, бахрий мамлук султонлари хукмронлиги даврида уларнинг сони кўпайиб, уларда суфийлар истикомат килишган.

Давлат арбоблари бу хонакоҳларни куриш билан шайхларнинг эътиборини козонардилар. Давлат хеч қачон хонакоҳ молидан ўз манфаатлари йўлида ишлатмас, шунингдек бошка йўллар билан фойдаланишга рухсат бермас эди. Тарихдан маълумки, Салоҳиддин Айюбий биринчилардан бўлиб, Мисрдаги “Са‘ид ас-Суадо” хонакоҳини курдирган. Шундан сўнг мамлук султонлари кўплаб хонакоҳлар курганлар: энг яхши хонакоҳлардан бири Жамоли махалласида жойлашган Рукн ад-дин Байбарс Жахонгир Мансурий курдирган “Байбарсий” хонакоҳидир. Макризийнинг маълумот беришича, у Кохирадаги энг чиройли ва кенг хонакоҳлардан бири эди. У ердаги дераза халифаликдаги энг катта дераза бўлиб, халифалар шу ерда ўтирардилар[4].

Рукниддин Байбарс 1306 йилда султонлик даражасига эришгунга қадар хонакоҳнинг ёнига ичкарига кириш учун катта работ курдирган. Унинг ёнида ўзининг дафнига мўлжалланган 1309 йилда битказилган кубба ҳам бор эди.[5]

Байбарс келиб чиқишидан катъи назар ажам ва араб ёш, ўрта ёш ва қариялардан иборат 400 та суфийни йиккан[6]. Работда бошпанасиз 100 та фақир, шайх, имом, муаззин, ходим ва эшиқбон бўлган. Шунингдек, хонакоҳда китоблар хазиначиси ёки кутубхона кўрикчиси бор эди. Мамлуклар даврида худди хозирдагидек китобларни сақлаб, бир ёки бир неча ойда қайтариб берадиган ва уларнинг ўз вақтида берилиши ва йўқолмаслигига масъул шахс бўлган[7]. Кутубхонада китоблар тартиби, жилдланиши бир тизимга солинган[8].

Қуръон ўқувчи қори ёки воиз яхши овозга ва қироатга эга бўлиши керак эди. Шунингдек, қотиб ал-гайба суфийлар йўқлигида хонакоҳ хавфсизлигини таъминларди[9].

Хонакоҳларда шақар, шарбат, дори-дармон, шунингдек суфийларни даволаш учун қаххол (кўз табиби), сувларни алмаштириб турувчи ваққод, фаррош, йигиб терувчи, соқий бор эди. Хонакоҳдаги бу қабил вазиқалар билан оддий халқдан чиққан ёшлар машгул бўлардилар. Бунинг асосий сабаби яшаш учун бошпана берилгани, иқтисодий зарур хожатлари қондирилганида эди.

Диний ҳаётга қелсақ, хонакоҳлар ичида ҳар қуни шайх ўз жойида, унинг атрофида суфийлар доира шаклида ўтиришган. Шайх Қуръони қаримдан баъзи сураларни ўқиган, унинг орқасидан суфийлар қайтаришган. Сўнг тиловат, истиғфор ва дуо қилиб йигилишни тугатишган[10]. Куббадаги пайгамбар Мухаммад (с.а.в) ҳадисларига оид дарсларда ўқитувчи, бир неча муҳаддис ва баъзи қорилар иштирок этганлар[11]. Хонакоҳда ошхона бўлиб, ошпаз суфийлар учун овқат тайёрлаган, меъёрида таом ва унга қўшиб нон берилган. Шунингдек, рамазон ойида, Қурбон ҳайити ва ашуро қунларида ҳар йили агар хонакоҳ шайхи лозим топса, ширинликлар тарқатилган. Қунига икки маҳал овқат, қиш ва ёз фаслларида ёпинчик, ойига ҳар бир суфий учун 20-30 дирхам, ҳар жума қуни қийимларини ювиш учун совун ва шақар берилган. Булар уйланмаган суфийлар учун эди. Уйланганлар хонакоҳда беш вақт намоз ўқишган. Бу ернинг одатига қўра суфий махсус жойнамозда ўтирган. Қоҳирага одамлар жума қуни “Са’ид ас-су’адо” хонакоҳини қўриш учун қелишса, намоз ўқиш учун тўғри шу ерга боришган[12].

Байбарс ўлдирилиб, ҳокимияти тугагач, Амир Носир Мухаммад ибн Қаловун бу хонакоҳни йигирма йилга ёпган, 1325 йилда қайта очилган. 1374 йилда Нил сувининг қамайиши оқибатида хонакоҳдаги иқтисодий аҳвол ёмонлашиб, ҳар бир суфийга бериладиган пул миқдори ойига етти дирхамдан тўғри қелган[13].

Носир Мухаммад Қоҳира чекқасида “Сир ёқут” хонакоҳи[14]ни курдирган. “Сир ёқут” 100 қишига мўлжалланган бўлиб, Макризийнинг ёзишича, унинг яқинида жума намозини ўқиш учун масжид, ҳаммом ва ошхона мавжуд эди[15].

“Жамолия” хонакоҳи Рашид қўчасида жойлашган мамлуклар давридаги энг нодир хонакоҳлардан бўлиб, уни Амир ‘Ало ад-дин Жамолий 1329 йилда курдирган ва 1331

йилда вафотидан сўнг шу ерга дафн этилган[16]. Бу ўша вақтдаги мамлуклар томонидан қурилган хонакоҳларнинг энг машҳури бўлган. Бу ерда ханафий мазҳаби толиби илмлари ҳам таълим олганлар.

Мухаммад ибн Каловун мактаби ёнидаги Му'аззин кўчасида “Зохирия” хонакоҳи жойлашган[17]. Уни Султон Зоҳир Барқук 1384 йилда қурдирган, у мадраса деб аталиб, таълим бериш билан бир каторда ибодат учун ҳам мўлжалланган эди. Султон Барқук хонакоҳга кириш учун хонакоҳ шайхи, тўртта мазҳаб толиблари, муҳаддис, илм изловчилар келиши мумкинлиги, аср намозида Қуръони қарим оятларидан ўқиш лозимлиги каби шартларни қўйган.

Мамлуклар даври хонакоҳларидан яна бири “Ал-Акмар” жомеъси яқинида жойлашган Нуриддин Али ибн Мухаммад Маҳосин Шарабиший томонидан қурилган “аш-Шарабишия” хонакоҳидир[18].

Амир Окбуга томонидан қурилган “Ал-Азхар” университети яқинидаги “Окбугия” мадрасасининг бир қисми бўлган “Окбуга” хонакоҳи ҳам тасаввуф тарқалишига замин яратган масканлардандир[19].

Хонакоҳлар фақирларнинг бошпанаси бўлиб, унда истикомат қилишнинг ўзига ҳос қонун-қоидалари бўлган. Бу ер маърифат маскани бўлиб суфийликка даъвогар шахс фақиҳ ва уламоларнинг имтихонидан ўтиши керак эди[20]. Қайси тарикатга мансублигига қарамай, рабобатга ҳар қандай одам кириши мумкин бўлган[21]. Диний ва ҳарбий соҳа вақилларини тасаввуф бирлаштирган.

Мамлуклар султонлиги даврида диний ва адабий мунозара, баҳс ва олимлар орасида фикр алмашиш учун катта шароитлар яратилган. Хонакоҳ, рабобат, зовияларда бўлиб ўтадиган мажлисларда фақиҳ, валий ва қозилар ҳам иштирок этишган. Бу мажлислар давомида ҳар бир катнашувчи ўзларида юзага келган саволлар, адабий ва диний мунозаралар ва муноқашаларга жавоб топардилар[22].

Қоҳиранинг қок марказида жойлашган, қози Муҳиддин ‘Абд ал-Қодир Ўзбекий томонидан қурилган “аш-Шаъроний” зовияси масжид, 20 та қўзи оқиз талабани ўз ичига олган 200 га яқин суфийси бўлган мадраса, мусофирлар учун бошпана, шунингдек шайх, унинг хотини ва қариндошлари учун яшаш жойидан иборат бўлган. Зовиядан асосий мақсад совға-салом, ҳадя ҳамда турли амалдорлар юборган моддий ёрдамларни бева-бечораларга тарқатишга қаратилганди, шу билан бир каторда у мурувват истаганларга нажот жойи ҳам эди. Шайх аш-Шаъроний бундай катта муассасани моддий жиҳатдан таъминлашга ёрдам берган. У қундалиқ овқат ва байрамлар ҳамда рамазон қунларида бериладиган таомларни таснифлаб ўтган[23].

Миср мамлуклари даврида хонакоҳ, рабобат ва зовиялар қўп бўлиб, улар тарикат ва мусофирлар учун хизмат қилган. Баъзи шайхлар тамани ёқтирмасдан, қўплари ҳатто шоху амирларнинг тухфасини ҳам қабул қилмаганлар. Бироқ, кейинчалик суфийлар илгаридай “луқмаи ҳалол” тамойилини сақлаган ҳолда, саҳоват ва қутувват гоёсини ҳам қенг тарғиб қила бошладилар. Бунинг натижасида суфий жамоалари билан сарой аҳли,

ер-мулк эгалари ўртасида яқинлик юзага келди. Энди шайхлар катта-катта тухфаларни ола бошладилар, хонакоҳ, работларга ўтказилган вақф ерлари, мону мулк кўпайди. Бу хол шунга олиб келдики, бир томондан текин яшашга ўрганган сохта дарвешларнинг сони кўпайиб, иккинчи томондан мухтож одамларга ёрдам бериш, маърифат ва маънавиятни ривожлантириш учун имконият яралди.

Нихоят, софдил шайхлар тухфа-инъомлар хисобига йигилган маблағ ва ер-мулкни ўзига хос хайрия жамгармаси деб караб, диндорлар учун энг зарур жойларга ишлатганлар.

Зухра Арипова,
тарих фанлари номзоди

- [1] Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – Б.98—99.
- [2] Хамза ‘Абд ал-Латиф. Ал-Адаб ал-мисрий. – Кохира: Мактабат ал-наҳда ал-мисрийа, 1971. – Б. 48-49.
- [3] Макризий Такий ад-дин. Китоб ал-Маво‘из ва-л и‘тибор би зикр ал- хутат ва-л-осор. Ж.4. –Булок: Кастон виит, 1906-1908. – Б.274. (Бундан кейин Макризий. ал- хутат)
- [4] Ўша жойда. – Б. 49.
- [5] Ўша жойда. – Б. 276.
- [6] Ўша жойда, ўша бет.
- [7] Амин Мухаммад Мухаммад. Ал-авкоф ва-л-хаёт ал-ижтимоийа фий Миср. – Кохира: Ал-хай‘а ал-мисрийа, 1980. – Б.255-257. (Бундан кейин Амин. Ал-авкоф)
- [8] Ас-Субкий, Тож ад-дин. Му‘ийд ан-ни‘ам ва мубийд ан-никам. – Лондон, 1908. – Б. 111.
- [9] Амин. Ал-авкоф. – Б.199.
- [10] Ўша жойда. – Б.213.
- [11] Макризий. ал- хутат. Ж.4. – Б.276.
- [12] Мохир Су‘ад. Масожид Миср. 3 жилдлик.– Кохира: Дор ал-фикр ал-арабийа, 3Жилд. – Б.170. (Бундан кейин: Мохир Су‘ад. Масожид Миср.)
- [13] Макризий. ал- хутат. Ж.4. – Б.277.
- [14] Хонакоҳ форсча сўз бўлиб, уй маъносини билдиради. Шарк мамлакатларидан суфий фукарлар бу ерга келганлар. Макризий.Такий ад-дин.Ас-Сулук фий ма‘рифа дувал ал-мулк. – Кохира: Дор ал-кутуб ал-мисрийа. Ж.2. – Б. 415.
- [15] Ўша манба. – Б.422.
- [16] У Носир Мухаммаднинг мамлуки бўлиб, Хижозга юборилган. У вазирликнинг бошқарувчиси вазифасида ишлаган.
- [17] Мохир Су‘ад. Масожид Миср. – Б.38.
- [18] Макризий. ал- хутат. Ж.4. – Б. 279.
- [19] Макризий. ал-хутат. Ж.4. – Б.225—227.
- [20] Ўша манба. – Б.228.
- [21] Амин. Ал-авкоф. – Б. 219.
- [22] Ўша жойда, ўша бет.
- [23] Тримингэм С. Суфийские ордены в исламе. /Перевод с англ. А.А. Ставиской, под.ред.

и предисл. О.Ф.Акимушкина. – М.: Наука, 1989. – Б.181.